

ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР НАЗАРИЯСИ ТАВСИФИ

Д.Бахронова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Таянч сўзлар: фразеология, назария, ёндашув, лингвомаданиятшунослик.

Ключевые слова: фразеология, теория, подход, лингвокультураология.

Key words: phraseology, theory, approach, linguoculture.

Замонавий тилшуносликда лингвистика фанининг ажралмас қисми ҳисобланган фразеология кенг ва ҳар томонлама тадқиқ қилинмоқда, чунки киёсий ва киёсий-қоғиштирма аспектда ўрганилаётган бундай изланишлар маълум этносгагина хос бўлган миллий-маданий лисоний кодларини очиб бермоқда, турли фанлар учун кўприк, таржимашунослик учун манба вазиқасини ўтамоқда. Фразеологик бирликларнинг назарий масалалари, уларнинг мезон ва белгилари, фразеография масалалари ва бошқа бир қатор амалий муаммолар ҳақида фразеолог-тилшунослар ўртасида анча мунозарали ўринлар мавжуд.

Маълумки, фразеология фанининг асосий пойдеворини швейцариялик тилшунос Ш. Балли яратди. Унинг бевоқифа давомчилари совет тилшунослари В.В.Виноградов, Б.А.Ларин, С.И.Ожегов, Н.Н.Амосова, Ю.Ю.Авалиани, А.М.Бабкин, В.П.Жуков, А.В.Кунин, А.И.Молотков, А.Г.Назарян, Л.И.Ройзензон, Н.М.Шанскийлар фразеологиянинг жуда кўп назарий масалаларини ишлаб чиқдилар. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг назарий ва амалий муаммолари И.Кўчқортоев, Ш.Раҳматуллаев, Э.Умаров, Ҳ.Бердиёров, А.Маматов, Б.Йўлдошев, Ў.Юсупов ва бошқа тилшунос олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Айрим тилшунослар фразеологиянинг чегарасини аниқлаш учун маълум «фразеологик контекст» ёки «фразеологик қуршов» бўлиши шарт, деб таъкидлайдилар. Жумладан, Н.Н.Амосова (1963) «фразеологик контекст» ғоясини [1], М.Т.Тагиев «энг яқин фразеологик қуршов» [11] ғоясини олға суради. Ҳар иккала ғоянинг ҳам муҳимлиги фразеология назарияси учун табиий, чунки ҳар қандай фразеологик бирликларнинг маъноси маълум контекстларсиз амалга оширилишини тасаввур қилиш қийин. Лекин бу назариянинг камчилиги шундан иборатки, баъзи ҳолларда маълум контекст доирасида соф фразеологик бирликларни, нофразеологик характердаги турғун сўз бирикмаларидан ва эркин сўз бирикмаларидан фарқлашни мураккаблаштириши мумкин.

А.М.Бабкиннинг фикрича, фразеологик бирликлар тўртта хусусиятга эга [3]: 1) маънонинг яхлитлиги; 2) сўз бирикмаларининг турғунлиги; 3) кўчма маънога эга бўлиши; 4) эмоционал-экспрессив таъсирчанлик. И.В.Арнольд эса фразеологизмларнинг умумий белгилари, уларнинг турғунлиги, маъноларининг яхлитлиги ва компонент таркибининг алоҳида-алоҳида расмийлаштириш деб ҳисоблайди [2]. А.В.Кунин ва А.Г.Назарянлар фразеологик бирликларнинг моҳиятини жуда, қисқа, лўнда ифодалаб, шундай таъриф яратдилар [6]. Уларнинг фикрича, «фразеологик бирлик – бу қисман ва тўлиқ кўчма маънога эга бўлган турғун сўз бирикмаларидир».

Бошқа бир қатор тадқиқотчилар бўлса, фразеологизмлар бир неча белгилар комплексидан иборат, деб кўрсатиб ўтишди. Масалан, М.И.Сидоренко фразеологизмларнинг ўзига хос белгилари сифатида турғунлиги, семантик бутунлиги, маънонинг умумлашма метафорик характерда бўлишини таъкидлайди [10].

Рус тилшунослигида бўлгани сингари ўзбек тилшунослигида ҳам фразеологиянинг камров доирасини белгилашда унинг айрим белгиларини асос қилиб олиш ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Таниқли олим Я.Д.Пинхасов фразеологизмлар камров доирасини аниқлашда уларнинг барқарорлик белгисини асосий мезон қилиб олган [8]. Бундай қарашни Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов ва Б.Йўлдошевлар ҳам маъқуллайди [13]. Ғ.Саломов ва А.Маматовлар эса барқарорлик ва кўчма маънода ишлатиш белгисини биринчи планга чиқаради [12].

Биз эса юқорида келтирилган таърифларни умумлаштирган ҳолда, фразеологизмларнинг структур-семантик хусусиятларини ифодаловчи, аммо мукамалликка даъво қилмайдиган таърифини келтирмоқчимиз: **фразеологизм** – бу тузилиши жиҳатдан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, турғун лексик-семантик бирликдир.

Испан тилшунос олимаси Г. Корпас Пасторнинг таъкидла-

шича, испан тилшунослигида фразеологияга қизиқиш анча кеч - XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида пайдо бўлди [16].

Фразеологик бирликларни (ФБ) таърифлашга келсак, замонавий испаншуносликда *unidad fraseológica* (фразеологик бирлик) атамаси бошқа роман тилларига нисбатан кенг тарқалган. Маълумки, фразеология фразеологик бирликларни ўрганиш билан шуғулланувчи лингвистик фан ҳисобланади [19]. Испан тилшунослигида ФБларни белгилашга доир ёндашувлар орасида қуйидаги терминлар аҳамиятга молик: *expresión fija* (барқарор ибора), *expresión pluriverbal* (плуривербал ибора), *unidad pluriverbal lexicalizada y habitualizada* (плуривербал лексикализациялашган бирлик, мақолсифат жумла), ёки *unidad léxica pluriverbal* (плуривербал лексик бирлик) [18]. Айрим фразеологияга оид асарларда ФБ маънодоши сифатида *frasema* (фразема) ва *fraseolexema* (фразеолексема) атамалари ҳам ишлатилади [15]. Терминлар хилма-хил бўлсада, ФБ тушунчасини таърифлашда бир неча асосий ёндашувлар мавжуд. Тор ёндашув тарафдорлари (Х. Касарес ва бошқалар) ФБни сўз ёки тушунча билан ўзаро боғланган, семантик жиҳатдан кўчма маънога эга сўз бирикмаси деб ҳисоблайдилар. Бу ёндашув доирасида кўриб чиқилаётган бирликларнинг асосий белгиси, компонентларнинг семантик туташлиги ва идиоматиклиги, яъни ифоданинг умумий маъноси унинг компонентлари мазмунидан келиб чиқмаслиги ҳисобланади.

ФБни кенг тушунишни таклиф этаётган кўпгина олимлар фразеологияни майдон тамойили асосида кўриб чиқадилад. Бундай ёндашувда майдон ядросига яқин жойлашган бирикмалар – сўз ёки сўз бирикмасига мос ва юқори даражадаги барқарорликка эга бирликлар, майдон чеккасида, периферияда эса гапга ўхшаш фразеологизмлар жойлашади, деб ҳисобланади [18]. Бизнинг фикримизча, айнан шундай кенг ёндашув ФБларининг ҳам сўз бирикмаси, ҳам гап даражасидаги ўзига хос белгиларини аниқлашга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ФБларнинг тил тизимига хос мураккаб ва кўп аспекти ҳодиса сифатидаги моҳиятига оид масала уларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш билан чамаларас бoғлиқ. Бу масалада олимларнинг фикри турлича, бироқ, ФБнинг асосий тавсифлари орасида кўпчилик лингвистлар қуйидагиларни [12,13,18,14] қайд этадилар:

1) алоҳида шаклланганлик (*polilexicalidad, pluriverbalidad*): сўздан фарқли ўларoқ ФБ, камида икки сўздан таркиб топади ва уларнинг ҳар бири мустақил грамматик шакл ва урғуга эга бўлади. Масалан: *ит хураp – карвон ўтар; a vista de pájaro* <қуш учадиган баландликдан>, ФБлар тўртта компонентдан иборат;

2) ФБларнинг идиоматиклигини (*idiomaticidad*), яъни иборанинг умумий маъносининг унинг компонентлари мазмунидан келтириб чиқариш мумкин эмаслиги, масалан: *букаламун бўлмоқ* (тез-тез фикрини ўзгартирувчи, бекарор одам); *ser muy ciso* (сўзма-сўз: жуда қакку бўлмоқ) – а) алдоқчи бўлмоқ; б) ёмонлик қилишга мойил бўлмоқ (– бу ФБ қакку қушининг ўз тухумини бошқа қуш инига қўйиши ва бегона қуш қакку боласини ўз боласи ҳисоблаб алданишидан келиб чиққан) [21]; ҳамда ФБ таркибидаги ҳеч бўлмаганда битта кўчма маънога эга компонентнинг бўлиши. Масалан: *кўз очиклигида* (тириклик пайти, чунки тирик эканмиз кўзни очиш имконияти бор); *hendir el baúl* (айнан: сандикни тўлдирмоқ) – бўкиб ёмоқ, қоринни тўлдирмоқ; чунки сандик одатда лик тўла бўлади;

3) барқарорлик (*fijación, estabilidad*), яъни, фразеологизмнинг доимий таркиби. Аксарият олимлар фразеологик бирликларнинг барқарорлигини унинг асосий белгиси деб ҳисоблайдилар. Бироқ, айтиш керакки, фразеологик барқарорликларнинг хусусияти бир хил эмас. Тилда бир ФБнинг бир неча вариантлари борлигининг ўзи буни тасдиқлаб турибди. Масалан, *хомхаёл бўлмоқ*, қалласини пуч нарсалар билан тўлдириб юрмоқ фразеологизмлари испан тилида ҳам бир неча шаклга эга: *estar a pájaros* ва *tener la cabeza a pájaros*. Шунингдек фразеологизм таркибини асосан қучайтирувчи сўзлар ҳисобига кенгайтириш имконияти мавжуд: бурганинг кўзини кўриб қўйган ёки жуда пихини

ёрган – ўта пишиқ, тажрибали бўлмоқ; tener muy mala uva (жуда ёмон узумга эга бўлмоқ) – жанжалкаш, ёмон феъл-атворга эга бўлмоқ; estar de mala uva (ёмон узум бўлмоқ) – ёмон кайфиятда бўлмоқ (Виночилик жуда ривожланган Испанияда бу флоронимга нисбатан иборалар кўп учраши табий). Шу тариқа, фразеологизмларнинг фақат нисбий барқарорлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин;

4) фразеологизмларнинг нутқда тайёр тил бирликлари сифатида ишлатилиши. Бунда шуни назарда тутиш керакки, агар фразеологияга биз тилдаги барча турғунликка эга бўлган сўз бирикмаларини киритадиган бўлсак, унда ФБ сифатида нафақат мақол ва маталлар, балки турли цитаталар, қўшиқлар, таниқли шеърлар, афоризмлар ва бошқаларни ҳам киритиш керак. Демак, бизнингча, ушбу мезон ФБнинг ўзига хос хусусиятларини фақат фразеологизмнинг барқарорлиги, унинг идиоматиклиги ва алоҳида шаклланганлиги каби бириклар мажмуида таърифлаганда, ҳамда халқ оғзаки ижодидан ўрин олиб бадиий адабиёт ва лугатларда ўз ифодасини топгандагина аҳамиятга молик деб ҳисобланиши мумкин.

Испан тили фразеологияси ривожда, айниқса, Х. Касарес асарлари алоҳида ўрин тутди. У ҳар хил турдаги барқарор сўз бирикмаларининг келиб чиқиши ва ишлатилишини кўрсатиб, кейинги илмий ишлар учун асос бўлган таснифни ишлаб чиқди [5].

Тадқиқотчиларнинг когнитив лингвистика ва лингвомаданиятшунослик доирасида дунёнинг лисоний манзарасига бўлган қизиқишининг ортиши муносабати билан ФБ кўпинча миллий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ берувчи тил белгиси сифатида кўриб чиқилади. Кўрсатилган ёндашув доирасида испан тилшунослигида фразеологизмларнинг ички шакли, билимларнинг миллий-маданий шакли акс этишига хос хусусиятлар таҳлил қилина бошланди [12]. ФБларни ўрганишда дидактика (fraseodidáctica) ва фразеография (fraseografía) масалалари алоҳида ўрин тутди [18].

Адабиётлар

1. Амосова Н. Н. Основы английской фразеологии / предисл. О. И. Бродович. – Изд. 2-е, доп. – М.: Либроком, 2010.
2. Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. Учебное пособие / – 2-е изд., перераб. – М.: ФЛИНТА : Наука, 2012. – 376 с.
3. Бабкин А. М. Русская фразеология, её развитие и источники. – М.: Либроком, 2009. – 264 с.
4. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 2003. – 301 с.
5. Касарес Х. Введение в современную лексикографию: учеб. пособие. М.: Изд-во иностранной литературы, 2007.
6. Реформатский А. А. Введение в языковедение. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 536 с.
7. Сидоренко М. И. и др. Словарь фразеологических синонимов русского языка: Около 730 синонимических рядов. – М.: Русский язык, 2001. – 448 с.
8. Шамакшудов А. Ш. Язык сатиры Мукими (лексика и фразеология): Автореф. дис. . канд. филол. наук, Ташкент, 1956. Кучкартаев И. К. Фразеологическое новаторство А. Каххара: Автореф. дис. . канд. филол. наук. - Ташкент. 1965.
9. Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дис. . канд. филол. наук. – Самарканд, 1978.
10. Carneado Moré Z., Tristán Pérez A. M. Estudios de fraseología. La Habana, Academia de Ciencias de Cuba, 1985.
11. Carneado Moré Z., Tristán Pérez A. M. Estudios de fraseología. La Habana, Academia de Ciencias de Cuba, 2003.
12. Corpas Pastor G. Corrientes actuales de la investigación fraseológica en Europa, Universidad de Málaga, Málaga, 2001.
13. Corpas Pastor G. Manual de Fraseología española, Gredos, Madrid, 2006.
14. Diccionario de la lengua española / Real Academia Española. – Madrid: Real Academia Española, 2009.
15. Iribarren, J. M. El porqué de los dichos. Sentido, origen y anécdota de los dichos, modismos y frases proverbiales de España con otras muchas curiosidades, Suma de letras, S.L., Navarra, 1955.
16. Iribarren, J. M. El porqué de los dichos. Sentido, origen y anécdota de los dichos, modismos y frases proverbiales de España con otras muchas curiosidades, Suma de letras, S.L., Navarra, 1955.
17. Navarro C. La fraseología en el discurso político y económico de los medios de comunicación // Atti del XX Convegno [Associazione Ispanisti Italiani] / coord. Domenico Antonio Cusato, Loretta Frattale, Vol. 2, 2002.
18. Ruiz Gurrillo L. Aspectos de fraseología teórica española / L. Ruiz Gurrillo. – Valencia: Cuadernos de filología, 2001. Anejo XXIV.
19. Zuluaga Ospina, A. Introducción al estudio de las expresiones fijas. Frankfurt a. M.- Bern-Cirencester/U.K., Studia Románica et Lingüística, Verlag Peter D. Lang [Электрон манба], 2011.
20. Martínez I. L. La metáfora / J., L. Martínez-Dueñas. – Barcelona: Octaedro, 2013. – 105 p.

РЕЗЮМЕ

Фразеологизм – бу ҳозирги замон фразеологик системасининг асосий бирлиги бўлиб, тилдаги мавжуд сўз бирикмаларининг умумий ҳисобидан жуда қийинчилик билан фаркланадиган, мураккаб, кўп аспекти тил ҳодисаси ҳисобланади, шунинг учун ҳам лингвистик адабиётда фразеологизмларнинг лисоний моҳияти масаласи ханузгача мунозаралидир. Фразеологик бирикларни ўрганиш объекти сифатида тилшунослар томонидан уларнинг ўнлаб мезон ва белгилари қайд этилган ва тавсия қилинган. Илмий адабиётларда фразеологизмлар макомининг етарли даражада аниқ белгиланмаганлиги фразеолог-тилшунослар ўртасида жуда кўп ихтилофларни келтириб чиқарган.

РЕЗЮМЕ

Фразеология - базовая единица современной фразеологической системы, сложное, многогранное языковое явление, отличающееся от общего количества существующих в языке словосочетаний. Десятки критериев и признаков отмечены и рекомендованы лингвистами в качестве объекта изучения фразеологизмов. Тот факт, что статус фразеологии в научной литературе недостаточно ясен, вызвал много споров среди фразеологов и лингвистов.

SUMMARY

Phraseology is a basic unit of the modern phraseological system, a complex, multifaceted linguistic phenomenon that differs from the general number of existing word combinations in the language. Dozens of criteria and signs have been noted and recommended by linguists as the object of study of phraseological units. The fact that the status of phraseology in the scientific literature is not sufficiently clear has caused a great deal of controversy among phraseologists and linguists.